546-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

546 Фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўкув курсларини ташкил этиш тўгрисида

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек фуқаролар йигинлари ходимларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдамни ташкил этиш мақсадида:

- 1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш буйича ўқув курсларини ташкил этиш туррисида Қорақалпористон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва Узбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамоат фондининг таклифи қабул қилинсин.
- 2. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бош-кариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари (кейинги ўринларда Ўқув курслари деб юритилади) тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 3. Куйидагилар Ўқув курсларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари олдида турган вазифалар, шу жумладан ёшларни маърифатли қилиш ва маънавийахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни ривожлантириш, ахолини манзилли ижтимоий кўллаб-кувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини, табиатни мухофаза қилишни ташкил этиш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш сохаларидаги вазифаларни амалга оширишда фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш ходимларининг малакасини, касбий ва бошкарув кўникмаларини, хукукий ва ижтимоий-иктисодий билимларини оширишни ташкил қилиш;

фукаролар йигинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат хокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришга кумаклашиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари Ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни,



Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси эса ўкув-методик рахбарликни амалга оширади;

Ўкув курсларига Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган директор рахбарлик қилади;

Ўқув курслари юридик шахс хисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади;

Ўкув курсларида фукаролар йигинлари раислари, фукаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлокий тарбия масалалари буйича маслахатчилари, фукаролар йигинларининг масъул котиблари ва «Махалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг рахбарлари (кейинги ўринларда тингловчилар деб юритилади) малака оширадилар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда бир ой муддатда малака ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдикласин ҳамда уларнинг муттасил янгиланиб туришини таъминласин;

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ӱқитишнинг замонавий шакл ва методларидан, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда ӱқув жараёни ташкил этилишини таъминласин

- 6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бир ой муддатда фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ходимлари малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўгрисидаги низомни тасдикласин, унда малака оширишнинг ягона хукукий асослари, умумий ва махсус талаблари, асосий йўналишлари, шунингдек таълим сифатини назорат килиш ва бахолаш механизмлари белгилаб кўйилсин.
 - 7. Қуйидагилар белгилансин:

Ўқув курсларининг ходимларига олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш минтақавий марказларининг ходимлари учун ўрнатилган мехнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

малака ошириш буйича мехнатга соатбай ҳақ тулаш шартларида уқитувчилик фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етакчи таълим, тадқиқот ва илмий муассасаларнинг ходимлари, шунингдек амалиётчи мутахассислар жалб этиладилар;

малака оширишнинг тасдиқланган жадвалига киритилган ва Ўқув курсларига ўқишга йўлланган тингловчиларнинг асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи ўқиш даврида сақланиб қолинади;

малака ошириш учун Ӱқув курсларига юборилган бошқа шаҳарлик тингловчиларга туланадиган суткалик пул ва таълим олиш жойига бир марта бориб



546-модда

келиш буйича сарфланган харажатлар уларни юбораётган томон хисобидан республика доирасида хизмат сафарлари учун ўрнатилган тартиб ва микдорларда қопланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бепул асосда:

Ўқув курсларини Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида жойлаштирсин;

Ўқув курсларига ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур хоналар ва тингловчиларнинг яшаши учун жой ажратилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон «Махалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда Ўкув курсларининг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Ўқув курслари учун ажратилган хоналарнинг ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятини инобатга олган холда таъмирдан чиқарилишини;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг ётоқхоналарида жойлар етишмаган (мавжуд бўлмаган) тақдирда таълим муассасаларининг ётоқхоналарида жой ажратилишини таъминласин.

- 10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида ижтимоий сохага йўналтириш кўзда тутилган маблаглар доирасида мазкур Қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга, шу жумладан биноларни мукаммал таъмирлашга, идора мебели, ташкилий-техника воситалари билан жихозлашга, ўкув-методик ва илмий адабиётлар нашр этишга зарур маблаглар ажратсин, 2014 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида уларни назарда тутсин.
- 11. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ


Тошкент ш., 2013 йил 10 октябрь, ПК-2050-сон



41 (593)-сон — 61 — 546-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги ПҚ−2050-сонли қарорига ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари хузуридаги фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ўкув курсларининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони (профессор-ўқитувчилар ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) — 4 киши, улардан бошқарув сони 3 киши.

Изох: ёрдамчи ходимларнинг сони нормативлар буйича белгиланади. Профессор-укитувчилар таркиби ва мутахассис-амалиётчилар шартнома асосида жалб этилади.